

“ТАСДИКЛИЙМАН”

Тошкент тиббиёт академиясининг
Кўп тармоқли клиникаси

Бонн шифокор:

Д.А.Рустамова.



I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ИУРИҚНОМА

- 1 Умумий қоидалар.
- 1.1 Ушбу танлов ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (бундан сўнг матнда – Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.02.2018 йилдаги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 15 май 2018 йилдаги 185-сонли “Харидларни ташкиллаштириш ва ўтказиш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган
- 1.2 Танлаш мавзуси: **Клиникамизда даволанаётган Беморларнинг уч маҳаллик овқат билан таъминлаш.**
- 1.3 Хизматларнинг энг юқори қиймати 15% ҚҚС билан 198 875 000,00 сўмни ташкил қилади. Даволанаётган беморларнинг уч маҳаллик овқат билан таъминлаш учун бир кишилиқ(порца) иссиқ овқатэнг энг юқори қиймати 15% ҚҚС билан 18 500,00 сўмни ташкил қилади. Танлов таклифида кўрсатилган нархлар энг юқори қийматдан ошмаслиги зарур.
- 1.4 Кўрсатиладиган хизматлар учун техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида тақдим этилган.
- 1.5 Танлов комиссияси мажлисининг шакли - электрон.
- 2 Танлов ташкилотчилари
- 2.1 Тошкент Тиббиёт Академияси кўп тармоқли Клиникаси (бундан сўнг «Буюртмачи»).
- «Буюртмачи» манзили: Тошкент шаҳар Олмазор тумани Шифокорлар 2уй
- Тел: +998 99 869 98 40
- «Буюртмачи» реквизитлари:
401310860262807073101054002
СТИР 306 583 877
ОКЭД: _____
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги гзначилиги
Л/С (ўзбек сўми): 401310860262807073101054002
Л/С (АҚШ доллари): ...
- Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб касса маркази Тошкент ш.
ЎЗР МБ Тошкент шаҳри бўйича ХККМ
х/р: 23402000300100001010
МФО 00014
СТИР: 201 122 919
- 2.2 Буюртмачининг алоқа шахси:
ФИИШ: Рустамова Д.А
email:
- Тел.: 78 150 95 85

- 2.3 Шартнома тузувчи: Тошкент Тиббиёт Академияси кўп тармокли клиникаси.
- 2.4 Танлов Буюртмачи томонидан тузилган, таркиби бешта аъзодан иборат бўлган Танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 **Танлов иштирокчилари** 3.1 Танловда ТИЙ 4.11 да кўрсатилган юридик шахслардан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар¹, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.
- 4 **Танловни ўтказиш тартиби** 4.1 Танловда иштирок этиши учун иштирокчи куйидагиларга мажбур:
а) танлов шартлари билан танишиши учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон шаклини олиш (юклаб олиш);
б) ушбу ТИЙ талабларига мувофиқ ҳолда малакавий ҳужжатлар ва танлов таклифини тақдим этиши;
- 5 **Танлов савдолари да қатнашиш учун иштирокчиларни малакавий танланиши** 5.1 Танлов бошланишидан олдин, танлов комиссияси томонидан иштирокчиларнинг малакавий танланиши амалга оширилади. Танловда иштирок этиш учун фақат малакавий танловдан ўтган иштирокчиларгина руҳсат этилади.
 5.3 Малакавий баҳолаш мезонлари тақдим этилган.
- 6 **Танлов тили, ўлчовлар бирлиги.** 6.1 Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифлари ва у билан боғлиқ бўлган корреспонденция ўзбек тилида ёки рус тилида бўлиши керак.
- 7 **Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби** 7.1 Иштирокчи техник ва нарх таклифларидан иборат бўлган ҳужжатлар тўпламини онлайн тартибда тақдим этиши керак..
 7.2 Танлов иштирокчиси:
 тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар;
 фақат битта таклиф беришга ҳақли;
 таклифларни тақдим этиш муддати яқунланганга қадар киритилган таклифни чақириб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
 7.3 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:
 техник қисми Буюртмачининг техник талабларига мувофиқ бўлиши ва таклиф этилаётган дастурий маҳсулотнинг техник топшириқларга мувофиқ ҳолда батафсил ва аниқ тавсифига эга бўлиши лозим;

- 7.4 Танлов таклифи қуйидаги тарзда расмийлаштирилади.
- 7.5 Иштирокчиларнинг танлов таклифи амал қилиш муддати, танлов таклифларини тақдим этиш яқунланган санадан бошлаб камида 30 кун бўлиши керак.
- 8 Танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш**
- 8.1 Танлов комиссияси танловни ёпиш санасини кўчириш (танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш) ҳақидаги қарорни қабул қилиши мумкин бўлиб, ушбу қарор танловнинг барча иштирокчилари учун амал қилади. Танловни узайтириш муддати 10 кундан ошмаслиги керак
- 8.2 Муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор фақат танлов комиссиясининг мажлисида қабул қилинади.
- 8.3 Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатларини узайтириш ҳақидаги эълон <https://etender.uzex.uz/> сайтида жойлаштирилади.
- 9 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш**
- 9.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагилар зиммасига юкланади:
- тақдим этилаётган танлов таклифларининг ҳисобини юритаётган ва уларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаётган, ишчи орган таркибига кирувчи шахслар;
- комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилгани, иштирокчилар ва комиссиянинг бошқа аъзолари, шунингдек жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиргани, шунингдек бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар учун.
- Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини (миқдорий, сифат ва техник параметрлар бўйича) бажармаган танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартномада назарда тутилган жавобгарликка эга бўлади.
- 10 Бошқа шартлар**
- 10.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов бўйича тушунтиришларни олиш учун маъсул шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- 10.2 Буюртмачи Харид комиссияси билан келишган ҳолда, танловда иштирок этиш учун таклифларни бериш муддатининг яқунланиш санасидан камида уч кун олдин танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 10.3 Хизмат предмети ва ҳажмига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди. Бунда танловга таклифларни тақдим қилишнинг яқунланиш муддати, танлов ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш санасидан бошлаб камида ўн кунга узайтирилиши керак.

- 10.4 Танлов иштирокчиси буюртмачига танловни ўтказиш учун берилган эълонда белгиланган шаклда танлов ҳужжатларидаги қоидалар бўйича тушунтириш олиш бўйича сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи ушбу сўров келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни давомида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифларни бериш муддати яқунланган санадан қаида икки кун олдин келган бўлса, танлов ҳужжатларининг қоидалари бўйича тушунтиришни белгиланган шаклда йўллаши шарт.
- 10.5 Танлов иштирокчиси танлов таклифлари қабул қилинишининг охириги муддати яқунланганга қадар танлов комиссиясига тақдим этилган танлов таклифига ўзгартириш киритишга ҳақли.
- 10.6 Танлов комиссияси томонидан танлов қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб ҳисобланади:
- агар танловда битта иштирокчи қатнашган ёки умуман ҳеч қандай иштирокчи қатнашмаган бўлса;
 - агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни рад этган ёки фақат битта таклиф танлов талабларига мувофиқ бўлса;
 - барча тақдим этилган танлов таклифлари зарур бўлган ҳужжатлар тўпламига эга бўлмаса.
- 10.7 Буюртмачи қолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилишга ҳақли. Буюртмачи танловни бекор қилган тақдирда, ушбу бекор қилиш қарорининг асослантилган сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади.
- 11 Шартнома ни тузиш**
- 11.1 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартларда тузилади.
- 11.2 Танлов комиссиясининг қарори бўйича қолиб деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли хабарномани олади.
- 11.3 Танлов қолиби томонидан шартноманинг ўз вақтида имзоланмаслиги, шартномани тузишдан бош тортиш деб баҳоланади. Ушбу ҳолатда танловнинг кейинги иштирокчиси (захирадаги, яъни баҳолаш яқуни бўйича иккинчи ўринни эгаллаган иштирокчи)нинг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилар учун қўйиладиган талаблар

№	МЕЗОН
1	Аутсорсер ташкилотининг бош ошпази, ёрдамчи ошпазлари ва ишчи хизматчилари тиббий кўриқдан ўтган бўлиши, шу билан бирга ваксина олган бўлиши
2	Иштирокчининг молиявий кўрсаткичларининг тақдим этилиши (камида 3 йиллик)
3	3 йил мобайнида тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши (бажарилган ишлар илова қилинсин)
4	Иштирокчининг иш фаолиятида ходимларнинг соҳаси бўйича мутахасислигининг иш стажи 3 йилдан кам бўлмаганлиги ва штатида диет хамшираси бўлиши тўғрисида маълумоти
5	Иштирокчиларнинг қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаслиги, шу билан бирга суд ёки арбитраж иш ҳолатида бўлмаслиги ва солиқ органларидан “Қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида” маълумотномаси бўлиши
6	Иштирокчида техник хизмат курсатиш учун узини еки ижарада техник базаси булиши шарт